



Ислом Нури

9. Савол: Отамнинг чўнтагидаги нарсаларни яширинча ўгирлар эдим. Хозир тавба килдим, лекин аниқ канча ўгирлаганимни билмайман ва ўзига айтишдан ҳам уяламан.

Жавоб: Ўзингиз яхшилаб ўйлаб тахмин килинг ва ўша тахминингизнинг энг баланд миқдорини олинг. Кейин яширинча жойига қўйиб қўйишингиз мумкин.

10. Савол: Бировларнинг пулини ўгирлаган эдим. Хозир тавба килдим, лекин уларнинг қаерда яшашини билмайман.

Жавоб: Имконингиз борича уларни изланг. Топсангиз олган нарсангизни қайтариб беринг. Агар у вафот этиб кетган бўлса, меросхўрларига қайтариб беринг. Тополмасангиз, агар у кофир бўлса ҳам, ўша миқдорча пулни унинг номидан садақа қилиб юборинг. Бунинг учун Аллох уни бу дунёда мукофотлайди, чунки Охиратда кофирлар учун мукофот йўқдир.

Бу ҳолатни Ибнул Қоййим ўзининг «Ал-Мадориж» номли китобида тилга олиб ўтган:

«Бир киши жанг вақтида мусулмон лашкарлардан бирининг тушиб қолган нарсасини ўгирлади. Бир канча вақтдан кейин тавба килди. Ўгирлаган нарсасини олиб қўмондон хузурига борди. Амир: «Жавоб бериб юборилган аскарларнинг қаердалигини билмасам, қандай қилиб уларга олиб бераман?»- деб жавоб берди. Сўнг у киши Хажжож бин Саъирнинг олдига борди. Хажжож унга шундай ҳукм килди: «Аллох лашкарни, уларнинг исмларини ва уларнинг оталарининг ҳам исмларини билади. Шундай экан ўгирлаган нарсанинг ярмини такволи (яъни ислом ривожини учун ишлатадиган киши, байтулмол ёки ислом



Ислом Нури

давлатининг хазинаси)га бергин. Ярмини эса унинг номидан садака килиб юбор. Уларга етиб боришига Аллох кафилдир». Халиги киши Хажжож айтганидек килди. У бу ҳақда Муовия разияллоху анхуга айтганида у шундай деди: «Агар бу фатвони берувчи мен бўлганимда эди, у менга фатво берган нарсамнинг ярмидан кўра кадрлирок бўлар эди». Шайхул ислом Ибн Таймийя ҳам «Мадориж»да келтирилган фатвога ўхшаш фатво берганлар».

11. Савол: Етимларнинг ҳақки бўлган маълум бир бойликни ўзлаштириб олиб, савдо қилиш учун айлантиришга қўйган эдим. Бир неча баробар кўп фойда килдим. Ҳозир Аллохдан кўркаман. Қандай тавба қилишим керак?

Жавоб: Бу масалада олимлар турлича фикр билдиришган. Уларинг энг мўътадили куйидагича: Етимларга ўзлаштирилган микдорнинг хаммаси ва фойданинг ярми қайтарилади. Сизлар шерик сифатида тижорат қилган бўласизлар. Шунинг учун дастмоя ва фойданинг ярми уларга қайтарилиши керак.

Бу имом Ахмад ибн Ханбалдан ривоят қилинган. Шайхул ислом ибн Таймийя ҳам буни энг тўғри ҳукм деб билган.

Туя ёки қўй ўғирлаган киши учун ҳам шу ҳукм амал қилади. Агар улар қўпайиб кетган бўлса, ўғирланган туя ёки қўйни ҳамда қанча тугилиб қўпайган бўлса, шунинг ярмини қайтариб беради. Агар ўғирлагани ўлиб кетган бўлса, унинг қийматини тўлайди ва қўпайган қисмининг ярмини қайтариб беради.

12. Савол: Бир киши аэропортда юк сакланадиган жойда ишларди. У ердан бир диктафон ўғирлабди. Бир йилдан сўнг тавба қилган. Ўша



Ислом Нури

диктафоннинг ўзини, унинг кийматини берадими ёки худди шундай янги диктафон олиб берадими? Агар худди шундай диктафонни бозордан топа олмасачи?

Жавоб: У ўгирлаган нарсасини кайтаради ва шу пайтгача канчалик киймат йўқотган бўлса, шунча кисмини пул билан тўлайди. Бу иккала томонга ҳам зарар етказмайдиган даражада бўлиши керак. Агар бунинг имкони бўлмаса, ўгирланган нарсанинг кийматича пулни зарар кўрган киши номидан садака килади.

13. Савол: Рибодан (судхўрликдан) топган пулим бор эди. Уни сарфлаб юборганман. Хозир тавба килмокчиман. Нима килай?

Жавоб: Килган бу ишингиз учун Аллохга чин тавба килинг. Рибо жиддий масаладир. Аллох субханаху ва таъоло Куръонда рибо ёюувчилардан бошқа бирор гуноҳ сохибига уруш эълон килмаган. Агар рибодан топилган пулларнинг хаммаси сарфланган бўлса, бирор нарса килишга мажбур эмассиз.

14. Савол: Ярми халол ва ярми харомдан топилган пулга бир машина сотиб олган эдим. Хали ҳам машинам турибди. Нима килишим керак?

Жавоб: Агар киши маълум бир кисми халол, маълум бир кисми харом бўлган пулга кисмларга ажратиб бўлмайдиган бирор нарса сотиб олса, шу мол учун канча харом пул сарфланганини хисоблаб чиқиши керак ва ўша микдор пулни эгалик килиб турган молини поклаш учун садака килиб юбориши керак. Агар харом бўлган кисми бошқа бир кишининг хакки бўлса, ўз эгасига кайтариб бериши керак.

15. Савол: Сигарет сотиб топилган пул халол йўл билан топилган



Ислом Нури

пуллар билан аралашиб кетган ёки саклаб кўйилган бўлса, нима килади?

Жавоб: Мусика асбоблари, сигарет, (носвой) ва ароқ каби харом нарсалар билан савдо киладиган кимса тегишли ҳукмдан хабар топганидан кейин тавба килса, кўрган фойдасини солих-яхши ишлар учун сарфлаб юбориши керак.

16. Савол: Бир киши пора олган эди. Кейин Аллох уни Тўғри Йўлга бошлади. Олган порасини нима килади?

Жавоб: Бу масалада куйидагиларга амал қилиш керак:

Агар порани зулм кўрган кишидан олган бўлса, яъни пора бермаса ўзининг ҳақлигини исботлай олмайдиган киши пора берган бўлса, пора олувчи тавба қилиб, олган порасини эгасига қайтариб беради. Чунки бу мажбурлаб олинган деб қаралади.

Агар жиноятчи-гуноҳкор айбини ёпиш учун пора берган бўлса, унинг пораси қайтариб берилмайди. Балки, яхши ишлар учун сарфланади. Масалан бирорта мискинга берилиши мумкин. Пора олган киши ўз ҳақлигини исботламокчи бўлган кишидан пора олиш учун унга қарши чиқиб етказган зарари ва кераксиз жойга сарфлагани учун ҳам тавба қилиши керак.

17. Савол: Мен харом ишларим учун пул олардим. Хозир тавба қилдим. Олган пулларимни қайтаришим шартми?

Жавоб: Харом ишлари учун ҳақ олган кишилар тавба қилишса ва олган пуллари турган бўлса, уни эгаларига қайтариб бермасдан бошқа жойларга сарфлаши керак.



Ислом Нури

Фохишалик килиб пул топган аёл тавба килганидан кейин топган пулларини жазманларига кайтариб бермайди. Ашула айтиб харом пул топган киши тавба килганидан кейин пулини эгаларига кайтариб бермайди. Маст килувчи ичимликлар ёки наркотик моддалар сотиб пул топган киши тавба килганидан кейин пулларни мижозларига кайтариб бермайди. Ёлгон гувоҳлик берувчи тавба килганидан кейин харом хизмати учун олган пулини эгасига кайтариб бермайди ва хакозо. Чунки пул гунохкор-осий эгасига кайтариладиган бўлса, у икки баробар фойда кўрган бўлади, яъни ҳам гунох килиб, ҳам пулини саклаб колган бўлади. Окибат яна ҳам кўпрок гунох ишлар килиши мумкин. Бу шайхул ислом ибн Таймийя томонидан маъкул кўрилган хукмдир.

18. Савол: Мен бир аёл билан зино килган эдим. Мана шу гунохимни ювиш учун унга уйлансам бўладими?

Бошка бир киши Европа ёки АКШга борганида бир аёл билан зино килган. Ўз юртига кайтиб келганидан сўнг аёл хомиладор бўлиб, фарзанд кўрган. Бола кимнинг фарзанди хисобланади? Боланинг харажатлари учун аёлни маблаг билан таъминлаб туриши керакми?

Жавоб: Бу хилдаги саволлар кўп учрайди. Мусулмонлар ўзларини Куръон ва Суннатга мувофиқ ислох килишлари лозим. Хусусан кўзларини харомдан саклашга, номахрамлар билан ёлгиз колмасликка, улар билан кўл бериб кўришмасликка, хижобга, заруратсиз кофир мамлакатларга саёхат килмасликка, мусулмонлар билан ишлашга, эрта уйланишга эътибор бериши керак.

Саволда айтилган, зино килган киши учун куйидаги хукм амал килади.



Ислом Нури

Агар у аёлни зўрлаган бўлса, аёлга жарима сифатида сўраган микдорида махр тўлаши ва Аллохга холис тавба қилиши шарт. Агар масала козилик муассасалари даражасида кўриладиган бўлса, унга маълум бир жазо тайинланади.

Агар аёлнинг розилиги билан зино қилган бўлса, тавба қилиши шарт. Бола унинг исмини олмайди ва унга тааллуқли, дейилмайди. У боланинг харажатларини таъминламайди, чунки бу зино натижаси. Бу ҳолатда бола онасининг исмини олади.

Гуноҳини яшириш учун тавба қилган кишининг ўша аёлга уйланишига рухсат берилмайди.

«Зинокор эркак фақат зинокор аёлга ёки мушрикага уйланур. Зинокор аёлга фақат зинокор эркак ёки мушрик уйланур...».

Зино натижасида хомиладор бўлиб қолган аёлга, ҳатто бола ўзиники эканини билса ҳам ёки аёлнинг хомиладорми ёки хомиладор эмаслигини билмаса ҳам, уйланишга рухсат йўқ.

Агар ҳар иккаласи Аллохга холис тавба қилишса ва аёлнинг хомиладор эмаслиги исботланса, иккаласи бирга турмуш қуришлари ва янги ҳаётларини Аллох ризолиги йўлида давом эттиришлари мумкин.

19. Савол: Бир аёл билан зино қилган эдим. Кейин унга уйландим. Бир неча йилдан бери бирга яшаб келмоқдамиз. Хозир иккаламиз ҳам Аллохга холис тавба қилмоқдамиз. Нима қилишим керак?

Жавоб: Агар иккала тараф ҳам тавба қилган бўлса, никоҳингизни янгилашингиз керак. Шариатга мувофиқ валий ва икки гувоҳ



Ислом Нури

катнашган холда никоҳ қилиниши лозим. Никоҳ расмий суратда қозихонада бўлиши шарт эмас, уйда ўқилса ҳам қифоя.

20. Савол: Бир аёл такволи бир кишига турмушга чиққан. Аммо у турмушга чиқишидан олдин Аллоҳга хуш келмайдиган баъзи ишларни қилган. Ҳозир ўтмиши унга тинчлик бермаяпти. У эрига қилган ишларини айтиши керакми?

Жавоб: Жуфтлар аввалда қилган ёмон ишларини бир-бирига айтишлари шарт эмас. Аллоҳ унинг гуноҳини яширибди. У ҳам яширсин. Хақиқий тавба қилишнинг ўзи етарлидир.

Бир киши кизни боқира, деб уйланган бўлса, сўнг унинг боқира эмаслиги ва турмушга чиқишидан олдин зино қилгани маълум бўлса, эри ундан маҳрни қайтариб олишга ва талок қилишга ҳаққи бор. Агар эр киши аёлнинг Аллоҳга тавба қилганини ва Аллоҳ унинг гуноҳини яширганини билса, у билан бирга яшашга қарор қилиши мумкин. Аллоҳ унинг ажрини кўпайтириб беради, иншааллоҳ.

21. Савол: Баччабозларга қандай ҳукм қилинади?

Жавоб: Бу ишни қилган иккала тараф ҳам Аллоҳга қаттиқ тавба қилишлари шарт. Бузукликлари учун Аллоҳ субҳанаху ва таъоло Лут алайҳис салом қавмига бошқа қавмларнинг бирортасига берилмаган энг қаттиқ азобни жўнатди:

– Улар кўр бўлиб қолдилар ва қоқилиб юришарди. Аллоҳ Қуръонда шундай хабар қилади:

«Бас, Биз уларнинг кўзларини кўр қилиб қўйдик».



Ислом Нури

- Уларга карши наъра юборилди.

- Бошларига тошлар пайдар-пай ёгдирилди. Улар жонларини саклаб қолишолмади.

Шунинг учун бу гуноҳни қилган кимсалар уйланган-уйланмаганидан қатъий назар, ўлдирилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Лут алайҳис салом қавми қилган гуноҳни қилган бўлса, ҳар иккаласини ўлдиришлар».

22. Савол: Мен Аллоҳга тавба қилдим, ҳозир қўлимда мусика асбоблари, аудио ва видео тасмалар бор. Уларни сотсам бўладими?

Жавоб: Харом нарсаларни сотишга руҳсат йўқ ва ундан топилган пул ҳам харомдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: «Аллоҳ бир нарсани харом қилса, унинг пулини ҳам харом қилади».

Аудио ва видео тасмаларни сотиб олган кишининг бу нарсаларни харом йўлда ишлатишини билсангиз, сотишингиз мумкин эмас. Чунки Қуръон бундан қайтаради.

«... гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз!».

Қанча дунёвий зарар қўришингиздан қатъий назар, сиз учун Аллоҳга бўйсунингиз яхшироқдир. Оқибат сиз учун хайрли яқунланади, иншааллоҳ.

23. Савол: Мен адашган ёзувчи эдим. Ўз хикоя ва мақолаларимда диндан йироқ дунёвий қарашларни тарқатар эдим. Шеърларимда эса ахлоқсизлик ва ҳаёсизликка чақирардим. Кейин Аллоҳ мени ҳидоятга



Ислом Нури

бошлади. Зулматдан нурга олиб чикди. Кандай тавба киламан?

Жавоб: Бу Аллохнинг буюк раҳматидир. Бу биз Унга хамд айтадиган Аллохнинг хидоятидир. Мустаҳкам туришингизни ва сизни яна хам кўпроқ раҳматига олишини Аллохдан сўраймиз.

Сўзи ва каламини маълум ҳақ эвазига исломга қарши ботил фикр-қарашларни, бидъатларни, бузуклик ва ахлоқсизликларни тарқатиш учун ишлатган кимсага тавба қилганидан кейин қуйидагилар вожиб бўлади.

У киши ёзган барча нарсаларидан тавба қилиши ва жамоатчиликка - мумкин бўлган турли йўл билан- аввал ёзган барча ботил нарсаларидан воз кечганини ва эски қарашларидан юз ўгирганини билдириши керак. Ўшанда унинг янги ҳолати одамлар орасида кенг тарқалади ва ҳеч ким унинг энди аввалгидек ботил нарсаларни ёзади, деб даъво қилолмайди. Бу масалада жамоатчилик ичида эълон қилиш тавбанинг вожибларидан ҳисобланади.

«Магар қайсилари тавба қилиб, ўзларини ўнглаб, (одамларга ҳақиқатни) очик айтсалар, бас, Мен уларнинг тавбаларини қабул қиламан. Ва фақат Менгина тавбаларни қабул қилгувчи, Раҳмдилман».

Улар сўз ва каламларини Исломни ёйишга, ўз қучларини Аллохнинг динини ривожлантиришга, одамларга ҳақни ўргатишга ва уларни ҳаққа чақиришга сарфлаши керак.

Улар ўз қучларини Ислом душманларига қарши ҳужум қилишга, уларнинг режаларини ва хато даъволарини исботлаб пучга чиқариши



Ислом Нури

керак. Бу билан улар ботил каршисида хакни химоя килувчи киличлар бўлади. Худди шунга ўхшаб, бир киши аввал бошка бировга харом нарсани қабул килдирган бўлса, -мисол учун рибо харом эмас деб-энди ўша кишининг олдига бориб аввал кандай нотўгри йўлга бошлаган бўлса, худди шундай килиб тўгри йўлни тушунтиради. Мана шу йўл билан у аввалги гунохига каффорот тўлаган бўлади. Якка Аллохгина хидоятга бошловчидир.

Хотима

Эй Аллохнинг бандалари, Аллох сизлар учун тавба эшигини очиб кўйибди-ку! Нега жимсизлар?! Тавбанинг эшиги борлиги ва унинг кенглиги магриб билан машрик кенглигича экани (бошка бир ривоятда эса етмиш йиллик масофага тенг экани) ривоят килинган. У то куёш ботиш томонидан чикгунга қадар ёпилмайди.

Аллохнинг даъватига кулок тутинг:

«Эй бандаларим, сизлар кечасию кундузи гунох киласизлар, аммо Мен барча гунохларни кечираман. Шундай экан Мендан магфират сўранглар ва Мен кечираман».

Нега магфират сўрамаяпмиз?!

Аллох кундузи килинган гунохларни кечириниш учун кечаси билан кўлини ёзиб туради ва кечаси килинган гунохларни кечириниш учун кундузи билан кўлини ёзиб туради. Аллох бизнинг магфират сўрашимизни ва илтижолар килишимизни яхши кўради. Шундай экан бизни тавба-тазаррудан нима тўсиб турибди?!

Тавба килувчи кишининг ушбу сўзлари Аллохга кандай хам сеvimли:



Ислом Нури

«Эй Парвардигор, Сенинг азиз менинг эса хору залил эканлигим сабабли мени раҳматингга олишингни сўрайман. Сенинг қувватли менинг эса заиф эканлигим сабабли ҳамда Сенинг мендан беҳожатлигинг, менинг эса Сенга мухтожлигим туфайли сўрайман. Менинг ва мендан бошқа кўп бандаларинг пешонаси – хатокор ва ёлгончи пешона Сенинг кўлингдасан, Сенинг газабингдан факат Ўзинга тавба қилиш билангина қутулиш мумкин. Сенга мискин-бечоралар каби тиланаман, синик-тавозели кишилар каби ёлвораман, кўзи ожиз, калбини кўркув босган одам каби дуо қиламан, боши эгилган, мағлуб бўлган, Сен учун кўзларидан ёшлар оққан, Сен учун калбида тавозе бўлган киши каби илтижо қиламан...».

Бир солих киши эшиги очик турган уйдан бир боланинг кўз ёшларини артиб чиқаётганини ва онаси уришиб уни ташқарига ҳайдаётганини кўрибди. Аёл боланинг юзига эшикни ёпиб ичкарига кириб кетди. Бола озгина юрди ва тўхтаб ўйлаб қолди. У ҳозиргина ҳайдалган бошпанасидек бошпанани қаердан ҳам тополарди. Ким ҳам унга онасидек қарарди? Қалби синик эди. Орқасига қайтди. Эшик ёпик эди. У эшик тагига ётиб олди ва кўз ёшлари оққан холда ухлаб қолди. Озгина ўтиб онаси чикди. Боласини бу ҳолатда кўриб ўзини тутиб туролмади. Уни қучоғига олиб, ўпиб, йиғлаганича: «Эй болажоним, қаерларга бординг? Сенга мендан бошқа ким ҳам қарарди? Аллоҳ мени сенга меҳрибон-гамхўр қилиб қўйганда менга итоатсизлик қилма, сени жазолашга мени мажбур қилма, демаганмидим?».

Бирок Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга шундай дедилар:

«Аллоҳ Ўз бандалари учун бу аёлнинг фарзандига меҳрибон-гамхўрлигидан кўра меҳрибонроқдир».



Ислом Нури

Барча нарсани камраб олган Аллохнинг раҳмати билан ожиз онанинг меҳрибонлигини таккослаб бўлмайди. Банда Аллохга тавба килганда Аллох хурсанд бўлади. Демак, хурсанд бўлувчи Аллохдан яхшилик келишига ҳеч вақт ноумид бўлмаслигимиз керак. Бир киши огир сафарга чиқади. Йўлда сахрода хатарли жойда дам олиш учун тўхтайди. Бутун озик-овкатлари ва суви юкланган туяси ҳам бор эди. Озгина дам олиш учун бир дарахт соясида ётиб ухлаб қолди. Уйғониб қараса, туяси йўқ. Излашга тушди. У бир тепаликка тирмашиб чиқиб чор-атрофга қаради, туяси йўқ эди. Жазирама ва чанқок голиб келганда: «Яхшиси, дам олган жойимга бориб то ўлгунимга қадар ётаман»,- деди. У дарахт тагига келиб туясини қайта кўришдан умидини узган холда ётиб ухлади. Уйғониб, кўзини очиб қараса туяси ёнида турибди. Жилови осилиб турарди. Озик-овкат ва сувлари жойида эди. У жон холатда жиловга ёпишди. Мўмин тавба килгандаги Аллохнинг хурсандлиги туясини топиб олиб хурсанд бўлган кишидан ҳам кўпроқ бўлади.

Холис тавба Аллох олдида ўзни хор санаб хокисор туриш эканини билинг ва буни намоён қилишингиз Бутун Оламлар Роббиси учун суюқлидир.

Иймонли банда доим хато-гуноҳларини эслаб, пушаймон бўлиб юради. У гуноҳ ишларининг ортидан кўп ибодатлар ва солиҳ амаллар қилади. Шунда шайтон: «Аввалда ҳам уни маъсиятга бошлай олмагандим»,- дейди. Шунинг учун баъзи тавба қилувчилар тавба қилганларидан кейин аввалги холларига қараганда анча яхшиланиб қоладилар.

Аллох тавба қилиб ўзига қайтган бандаларини ҳеч вақт ўз холига ташлаб қўймайди.



Ислом Нури

Отасининг эрка ва тантик арзанда боласини тасаввур килиб кўринг. Бир куни эрка ўгил сафарга жўнади. Йўлда уни душманлар тутиб олиб, ўзларининг ерига олиб кетишди. Энди унга бўлаётган муомалалар илгариги муомаланинг тамомила акси эди. Барча неъматлардан ажралиб колганидан кейин отасининг меҳрибонликларини эслаб калби алам ва изтиробга тўлди. У душманлар кўлида асир бўлиб, мазлум бўлиб турган пайтда бирдан отасининг уйига келтириб кўйилди. Ўгил ўзини отасига отди, уни кучоклаб олиб, йигларди. Кўз ёшлари ёнокларига оккан холда: «Отажон, отажон! ўглингизга нималар килишганига бир каранг!»- дерди. Душманлар яна олиб кетиб колмасин, деб отасини каттик ушлаб олган эди.

Отаси уни душманларга кайтариб беради ёки ўз холига ташлаб кўяди, деб ўйлайсизми?! Ўз бандаларига ота-онанинг боласига меҳрибонлигидан кўра кўпрок рахмли бўлган Яккаю Ёлгиз Зот хақида нима деб ўйлайсиз? Душманларидан кочиб ўзини Унинг эшигига урган ва тупроқларга беланиб йиглаб: «Эй Роббим, Ўзингдан бошка хеч ким менга раҳм килмайди. Ўзинг раҳм кил. Менинг Сендан бошка бирор ёрдамчим йўк. Сени панохингдан ўзга панохим йўк. Мен каби мискин ва Сенга жуда мухтож, Сенга ёлвориб илтижо килаётган кулингга раҳм кил. Сен унинг бош уриб борадиган ягона жойисан. Сен унинг химоячисан. Сендан панохланиш учун Сенинг хузурингдан ўзга бирон панох йўк...»- деяётган бандасига Аллох кандай жавоб кайтаради деб ўйлайсиз?!

Келинлар, солих ва такволи амаллар томон, солих-такволи кишилар томон, хидоятга эришгандан сўнг эса ботилни йўк килиш томон ошайлик. Аллох биз билан биргадир!



Ислом Нури

Аллох таъолога беҳад ҳамду санолар пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламга, ахли оилалари, асхоблари ва уларнинг изидан то Киёматгача адашмай эргашган солих умматларига салоту саломлар бўлсин. Омийн.

ал-Мадориж

ал-Мадориж

«Нур»- 3

«Камар»- 37

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривояти. Албоний сахих, деган

Абу Довуд ривояти

«Моида»- 2

«Бакара»- 160

Табароний ривояти

Муслим ривояти

Муслим ривояти

Тартиб сариқ ал-жомиъ